# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган | № 2 (9.499) 2001 йил 5 январь, жума | Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОЙИШИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тарбиялаш ҳамда юксалтириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилиш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Конституцияси бўйича болалар ва ўқувчиларда мустаҳкам билимларни шакллантириш ҳамда Конституция моҳиятини кенг омма онгига сингдиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш, унинг асосида махсус ўқув курсларини ишлаб чиқиш ва тегишли методикаларни тайёрлаш бўйича комиссия тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этишга рухсат берилсин.

2. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан биргаликда:

бир ой муддатда таълимнинг барча турларида Конституцияни ўрганиш учун зарур бўлган дастурлар, курслар, методик кўрсатмалар ва бошқа дидактик воситаларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқсинлар;

2001 йил 1 апрелга қадар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» махсус ўқув курсларини барча таълим турлари учун ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар;

барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларни, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус адабиётларни 2001 йил 1 августга қадар яратсинлар, чоп этсинлар ва жойларга етказишни ташкил этсинлар.

3. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим муассасаларига эга бўлган бошқа вазирлик ва идоралар:

2001 йил 1 августга қадар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курслари бўйича мактабгача таълим туридаги тарбиячи ва методистлар, умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқитувчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим ва олий таълим турларида дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни тайёрласинлар;

2001-2002 ўқув йилидан бошлаб мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» курсларини ўқитишга киришсинлар;

курс мазмунининг сифатли ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида унинг якуни бўйича ўқувчи ва талабалар орасида коллоквиум ва синовлар ўтказсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика «Маҳалла» жамғармаси, тегишли жамоат ташкилотлари Конституцияни ўрганиш дастури асосида ўқув-услубий, илмий-оммабоп ва бошқа воситалар ёрдамида, мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда фуқаролар ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсинлар, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш учун зарур чора-тадбирлар белгиласинлар ва амалга оширилишини таъминласинлар.

5. Ўзтелерадиокомпанияси, Миллий ахборот агентлиги, «Тасвирий ойина» уюшмаси оммавий ахборот воситаларида мазкур масала бўйича доимий рукнлар туркуми, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳамда тасвирий воситалар ташкил этсинлар.

6. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 4 январь.



*Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни — Конституцияни ўрганамиз.*
*Равиль Альбеков олган сурат.*

**ҚУРИЛИШ**

## Кўркам ва шинам

**Пойтахтимизнинг «Белтепа» даҳасида, Мухбир, Қодиров кўчаларида «Ўзуйжойжамғармабанк» буюртмасига кўра бунёд этилаётган шинам ва кўркам уйлардан бир нечтаси фойдаланишга топширилди.**

Ана шундай уйлардан бири шаҳримизнинг Нукус кўчасига чирой бахш этди, хонадонларда ёнган чироқлар эса уй эгалари дилига равшанлик бағишлади. Ушбу 46 хонадонга мўлжалланган, хоналари кенг ва шинам, 3 та айвонли, қулай ошхонали 12 қаватдан иборат 1-уйни «Уйжойқурилиш» акционерлик жамиятига қарашли 1-қурилиш конвейери бошқармаси қурувчилари бунёд этишди.

— Қурилишни ўтган йилнинг бошида бошлаган бўлсак, 2 та комплекс бригада қурувчилари ниҳоятда ғайрат ва уюшқоқлик билан меҳнат қилишди, — дейди ишбоши Мирвосиқ Соатов. — Ана шуларнинг меҳнати билан юзимиз ёруғ бўлди. Уйни лойиҳада кўрсатилганидек қуриб битказиб эгаларига топширганимиздан мамнунмиз. Энди худди шу уйнинг ёнида 1-«а», 2-, 3-, 3-«а» уйларни бунёд этиш билан янги асрни бошлаймиз. Албатта, бу ишда Собир Исаев, Николай Плохих, Раҳим Тошматов, Аброр Жўраев, Сергей Пантелейкин сингари қўли гул қурувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Дилдора ҒАНИЕВА.**

**Бугунги сонда:**

Ўзаро шартнома асосида

Хорижликларни ҳайратга солган ўдумларимиз

Одоб — инсон ҳусни

**ТВ Дастурлари**

## XXI аср Садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

❐ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Янги йил ва Янги аср муносабати билан хорижий мамлакатларнинг ва дунёдаги кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

❐ «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 10 ёшга тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрикнома йўллади. **Бугун** Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тантанали маросимда Юртбошимизнинг табрикномасини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

❐ Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг навбатдаги мажлисида назорат органларининг жорий йилги фаолиятини режалаштириш масалалари кўриб чиқилди.

❐ Мамлакатимиз маънавий ҳаётида катта воқеа — МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 12 жилдли миллий энциклопедиясининг биринчи жилди нашрдан чиқди.

❐ «Тарих ва тақдир» мавзуида уюштирилган тарихчи олимларнинг Республика илмий-амалий анжумани доирасида янги каталог нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.

❐ Бухоро вилоятининг Когон туманида қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

❐ Термизда йилига эллик минг онани кўрикдан ўтказадиган «Она ва бола» скрининг маркази фаолият кўрсата бошлади.

❐ Хатирчи туманида «Алишер Навоий — шеърият мулкининг султони, маънавият гултожи» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди.

❐ Миллий матбуот марказида Фидокорлар Миллий демократик партияси ташаббуси билан ўтказилаётган кичик форумларнинг еттинчисида ўзбек футболининг кечаги куни, бугунги ва эртанги равнақи ҳақида сўз борди.

❐ **Кеча** футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси янги бош мураббий В.Салков бошчилигида ўқув машқларини ўтказиш учун Исроил Давлатига жўнаб кетди. Ўзбек чарм тўп усталари бу ерда Москванинг «Спартак» жамоаси ва Исроил Давлатининг терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувларини ўтказади.

### Жаҳонда

❐ **Кеча** Қоҳирада Араб мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг шошилинч кенгаши бўлиб ўтди. Унда Вашингтондан бу ерга етиб келган Фаластин мухториятининг раҳбари Ёсир Арофат ҳам иштирок этди.

❐ АҚШнинг янги сайланган 43-Президенти кичик Жорж Буш янги ҳукумат аъзоларини тўлиқ тузиб бўлди. Энди Оқ уй соҳиби томонидан ишонч билдирилган жами ўн тўрт нафар номзод яқин кунларда Сенат тасдиғидан бирма-бир ўтиши керак.

❐ Беларуссия келажакда НАТОнинг Шарққа қараб кенгайишига қарши мустақил равишда ўз ҳудудига ядро қуролини қайтариш масаласини рад этди. Бу ҳақда мамлакат Президенти Александр Лукашенко маълум қилди.

❐ Вашингтонда АҚШнинг янги таркибдаги Конгрессининг биринчи сессияси бошланди.

❐ Покистон «Шанхай бешлигига» кириш режасида эканлигини эълон қилди.

❐ **Кеча** Лиссабонда номаълум гуруҳ Португалия давлат телевидениеси биносини эгаллади. Кейинчалик шу нарса аниқландики, бу гуруҳ ўз оиласи аъзоларидан таркиб топган тадбиркор бўлиб, унинг фирмаси бундан ўн йил муқаддам берилган нохолис телерепортаж туфайли касодга учраган. Террорчи бадал эвазига катта миқдордаги пулни сўраган, унинг талаби рад этилгудек бўлса ўзини ўзи ўлдириш билан қўрқитган. Олиб борилган музокаралар натижасида у маъмурларга таслим бўлган.

❐ **Бугун** Чехиянинг қуйи палатаси Чехия Жамоатчилик телевидениеси журналистларининг янги раҳбарият билан рўй берган можаросини кўриб чиқиши керак. Иш ташлаган журналистларни ва янги директор И.Годачни ишдан бўшатишни талаб қилаётганларни Халқаро журналистлар ташкилоти ҳам қўллаб-қувватлади. Прагада Чехия Жамоатчилик телевидениеси жамоасини қўллаб-қувватлаш юзасидан кўп минг кишилик намойишлар бўлиб ўтмоқда. Рўй бераётган ана шу воқеалар муносабати билан Чехия Президенти В.Гавел Испанияга режалаштирган ташрифини қолдирди. И.Годачнинг ўзи эса юрак хуружи гумони билан касалхонага ётқизилди.



Равиль Альбеков олган сурат.

Китоб жуда қизиқарли экан...

ҲАМКОРЛИК

# Меъморчиликнинг жаҳон тажрибасига таяниб

**Бугунги кунда Тошкент меъморчилик ва қурилиш институти Америка, Франция, Бельгия, Миср каби мамлакатлардаги илмий марказлар билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатган. Бу ҳамкорлик чет эл грант маблағлари асосида олий ўқув юртида ўқув-услубий жараёнларни янада яхшилаш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш имконини бермокда.**

Институтнинг Германиядаги турдош олий ўқув юртлари билан муносабати эса айниқса самарали бўлмокда. Қурилиш материалларини яратиш соҳасидаги илмий-амалий изланишлари билан дунё бўйича кенг танилган Веймер «Қурилиш уйи» университети билан илмий алоқалар йўлга қўйилганига мана саккиз йилдан ошди. Бу орада ўзаро борди-келди ҳамкорлиги янада кенгайди. Профессор Эркин Комилов бошчилигидаги институт олимлари делегациясининг «Қурилиш уйи» университети томонидан уюштирилган халқаро конференцияда иштирок этиши ва шу анжуманда ўзбек олимларининг илмий маърузалар билан чиқишлари ўзаро ҳамкорликка пухта замин яратди.

— Ўз навбатида Веймер университети олимлари мамлакатимизда бўлиб, институтимиз фаолияти билан яқиндан танишдилар, — дейди олий ўқув юртининг ректори Бахтиёр Асқаров. — Шу тариқа «Қурилиш уйи»нинг Ўзбекистон меъморчилигига, айниқса кўҳна Самарқанддаги тарихий обидаларга бўлган қизиқиши ортди. Шу жараёнда биз Германиянинг Фульда шаҳридаги «Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ўқув маркази» билан ҳам алоқа ўрнатдик. Ушбу марказ Веймер университети билан биргаликда Самарқанддаги Шоҳи-Зинда меъморчилик мажмуасининг «Шоди мулк оға» мақбарасини қайта тиклашга қаратилган махсус лойиҳани тайёрлади. Бунга Германия томони маблағ ажратди.

Германиядаги йирик «Бизон» фирмаси институтимиз олимларининг «Цемент қириндили плита»лар тайёрлашнинг технологиясига доир тадқиқотларига катта қизиқиш билан қарамоқда. Ушбу фирма таклифи билан профессор Эркин Комилов немис диёрида илмий сафарда бўлиб, мазкур технология ҳақида батафсил гапириб берди.

Жаҳондаги меъморий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш бўйича тадқиқотлар олиб бораётган Баухауз университети Шаҳрисабздаги «Оқсарой» ёдгорлик мажмуасини техноген таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларга бошчилик қилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Бу олий ўқув юрти билан тузилган шартнома асосида институтимизда янги ташкил топган лабораториялар асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бунинг учун бу олий ўқув юрти 32 минг дойч марка миқдорида маблағ ажратди.

Тошкент меъморчилик ва қурилиш институти немис олимлари билан ҳамкорликда қурилишга доир немисча-ўзбекча-русча луғатни нашрга тайёрладилар.

**Акбар АЛИЕВ.**

«ОҚШОМ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

# Сўранг, жавоб берамиз

**Саид АЗИЗОВ: Бизнинг корхонада 100 дан ортиқ ходим ишлайди. Айрим ҳолларда асосан ёз ойларида кўплаб ходимлар меҳнат таътилига чиқишни сўраб корхонамиз раҳбарига ариза ёзишади. Саволим шуки, ходимларга таътил беришнинг қонунчиликдаги тартиби қандай бўлади?**

**ЖАВОБ:** Меҳнат Кодексининг 144-моддасига кўра йилнинг таътилларни бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиниши керак. Қуйидаги ходимларга таътил уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши керак:

14 ёшга тўлмаган битта ёки ундан ортиқ болани (16 ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган ёлғиз ота, ёлғиз онага ва муддатли ҳарбий хизматчиларнинг хотинларига;

биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига;

18 ёшга тўлмаган ходимларга;

таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга.

Ишлаётган эркакларга йиллик таътил уларнинг хоҳишларига биноан хотинларнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили даврида берилади.

**Ойбек ИСОҚОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

САНОАТ

# Ўзгача илҳом билан

Янги йилнинг биринчи иш ҳафтаси ҳам поёнига етмоқда. Кириб келган йилимиз шуниси билан ўзгачаки, янги асрнинг бошланиши — демак дастлабки қадамлар қанчалик шахдам бўлса, муваффақият ҳам шунга яраша бўлади. Шу боисдан олганда мухбиримизнинг турли соҳа ходимларининг биринчи иш ҳафтаси қандай якунлангани билан қизиқиши бежиз эмас.

**◆ Баҳодир ИСМОИЛОВ,**
**«18-автосарой» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси:**

— Жамоамиз 2001 йилда ҳам ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатиб, одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилиб кутиб олаётганидан беҳад мамнун ҳолда иш бошлади. Якунланган йилда режадагидан 35 миллион сўмлик ортиқ иш бажардик.

Автосаройимизда 570 нафар ишчи-ходим, шу жумладан, 285 нафар малакали ҳайдовчи фаолият кўрсатади. Қутлуғ йилни жамоамиз аҳли кўтаринки кайфият билан бошлади. Ниятимиз халқимизга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш, янги ва қулай, замонавий транспорт воситаларидан оқилона фойдаланиш, йўловчиларнинг вақтини тежаш, манзилларига ўз вақтида, бехатар етказиб қўйишдир.

**◆ Баҳодир ЭРГАШЕВ,**
**«Қўйлиқнон» корхонаси раҳбари:**

— Халқимиз учун энг азиз неъмат — бу нон. Шу боис ҳам унинг ушоғини ҳам эъзозлаймиз, кўзимизга суртамиз. Корхонамизнинг 58 нафар ишчи-хизматчиси замонавий дастгоҳлар асосида, элимиз дастурхонига иссиқ ва тўйимли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бериш йўлида кечаю кундуз меҳнат қилишади. Байрам дастурхонига ҳам 30 хилга яқин нон маҳсулотлари етказиб берилди. Айниқса, ўтган йилда Абдумурод Назаров, Дилнавоз Юсупова, Ботир Султонов сингари уста ва новвойларимиз сидқидилдан меҳнат қилишиб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашга астойдил ҳаракат қилишди.

Халқимиз дастурхони ҳамиша тўкин, бўрсилдоқ нонларга тўла бўлишини ният қилиб, янги асрнинг илк йили биринчи иш ҳафтасини яхши якунламоқдамиз. Илойим омборларимиз донга тўлсин. Аср барча учун баракали келсин. Ёпган нонларимиз яхши кунларимизда дастурхонимиз файзи бўлсин.

**◆ Шукрулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, «Паста Камола» қўшма корхонаси директори:**

— Халқимизда «Астойдил ният қилсанг унга эришасан» деган гап бор. Ана шу боис ҳам кириб келган учинчи минг йилликнинг биринчи иш ҳафтасини шахдам қадамлар билан бошладик. Шахдам дейишимнинг боиси шуки, цехларимиздан бирига янги, юксак унумли Италиядан келтирилган печенье ишлаб чиқарувчи линияни ўрнатдик ва янги сифатли маҳсулот тайёрлаяпмиз. Янги йилдан уни ҳамшаҳарларимизга тортиқ этамиз. Ушбу линия орқали соатига 500 килограмм сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин. Шуниси қувонарлики, чет эл технологияси асосида чиройли ва бежирим қадоқланган бир неча турдаги картошка чипсларимизни хорижий давлатларга ҳам экспорт қилмоқдамиз. Янги йилда экспорт ҳажмини ошириб, республикамиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшишни мақсад қилганмиз.

**◆ Неждет ЧАКАН,**
**«Чаглаян» қўшма корхонаси раҳбари:**

— XX аср охирларида ўзбек биродарларимизнинг озодликка эришиб, мустақилликни қўлга киритганидан қувонган бўлсак, бу ерда чет эллик сармоядорларга яратилаётган имкониятлардан беҳад мамнунмиз. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган турли хил кийим-кечаклар эса «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан Америка Қўшма Штатлари ва Германия дўконларида сотилмоқда. Янги асрни Ўзбекистонда янги куч, янги ғайрат билан бошладик. Бу юртдаги тинчлик, хайрихоҳлик, барака бизга илҳом бағишлайди. Корхонамизда меҳнат қилаётган 250 нафардан зиёд ўзбек аёллари тиккан замонавий либослар хорижда ҳам харидоргирлиги бизни қувонтиради.

**Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.**

ФУТБОЛ

# XX аср юлдузлари

**Ўтган XX аср футбол ривожида муҳим роль ўйнаганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки 100 йил мобайнида футболни миллионлар ўйини деб тан олинишига, ҳатто бу спорт тури санъат даражасига кўтарилишига жуда катта ҳисса қўшган футбол юлдузларини ҳар бир ишқибоз доим фахр билан тилга олади, умрбод ёдидан чиқармайди. Хўш, юртимизда XX аср футбол юлдузи деб ким тан олинди?**

Шубҳасиз мутахассислар ва журналистлар «Пахтакор» жамоаси ҳужумчиси, 60-йиллар ўзбек футболининг юксалишига муҳим ҳисса қўшган футболчи Геннадий Красницкийни юқоридаги номга лойиқ топишди. Красницкийнинг жамоадоши Биродар Абдураимовга иккинчи, 90-йиллар футболининг истеъдодли ярим ҳимоячиси Миржалол Қосимовга учинчи ўрин насиб этди.

Бутун жаҳоннинг энг кучли футбол юлдузи номига XX асрда Халқаро футбол тарихи ва статистика федерацияси томонидан Бразилия терма жамоасининг энг моҳир футболчиси, ўз вақтида футбол қироли деб ном олган Пеле сазовор бўлган бўлса, кейинги ўринлар Круиф (Голландия), Беккенбауэр (Германия), Ди Стефано (Испания) ҳамда аргентиналик Диего Марадонага насиб этди.

Украиналик футбол ишқибозлари ва мутахассислари эса Киев «Динамо»сининг машҳур футболчиси Олег Блохинни ўтган асрнинг Украинадаги юлдузи деб тан олишди.

# ҲАКАМЛАР ЯНГИЧА УСЛУБДА ИШЛАЙДИЛАР

Янги йилу янги асрни янгича фаолият билан бошлашни лозим топган Ўзбекистон футбол федерацияси бош котиби Бахтиёр Раҳимов футбол ҳакамлари иштирокида навбатдаги йиғилишни ўтказди. Бундан шу нарса мъалум бўлдики, футбол учрашувларини қизиқарлироқ ва одилона бошқаришлари учун Янги йилдан бошлаб ҳакамларнинг маошлари кўпайтирилади, уларга зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилади. Ҳакамлар савиясини ошириш учун эса Ўзбекистон футбол федерациясидан лозим бўлган барча ёрдамлар берилади. Ҳаттоки, бош котибнинг ваъдаси бўйича ҳакамлар яшил майдонга энди бир хил кийимда тушадилар.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ.**

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

# ДИЛНОЗА ҚИЗ ЎЙНАСА...



**Дилбар рақс дилрабо қўшиқ сингари одамлар қалбига сеҳр соладди, яхшиликка, эзгуликка етаклайди. Юракдаги ғуборларни ювиб, хаёлан саҳнага чорлайди. 13 ёшида рақслари билан мухлисларини кувонтираётган Дилноза Шерматова ўтган йили республикада ўтказилган «Истеъдод-2000» кўрик-танлови ғолиби бўлди. Шу билан биргаликда Ҳамза туманида бўлиб ўтган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. У Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод этиб кўрсатилди.**

***— Дилноза, неча ёшдан рақс тушасиз?***

— 5-6 ёшимдан бошлаб рақс тушишга ҳавас қилганман. Асосан эса 10 ёшимдан ўйнай бошладим.

***— Қандай рақсларни ўргана бошладингиз?***

- «Ўзбекрақс» бирлашмаси қошида «Мукаррама» студиясига қатнаша бошлагач астойдил раққоса бўлгим келди. Қийналганимда бувижонимдан ҳамда хонамда осиғлиқ турадиган Мукаррама аянинг суратларидан ёрдам сўрадим. Мукаррама Турғунбоева гўё кулиб туриб менга мадад берарди. Устозларим Юлдуз Исматова, Роза Каримова, Ўғилой Муҳамедовалар мени доим қўллаб-қувватлашди. «Муножот», «Тановар», «Бухороча», «Лазги» ва бошқа кўплаб рақсларни ўргандим ҳамда уларни саҳналарда ижро эта бошладим.

***— Мактабда яхши ўқийсизми?***

— Ҳа, албатта. «4» ва «5» баҳоларга ўқийман. Ўқитувчиларим ҳам менинг рақс тўгарагига қатнашим учун шароит яратиб беришади.

***— Қайси раққосаларга ўхшамоқчисиз?***

— Мукаррама Турғунбоева, Рушана Султонова ва барча таниқли раққосаларга...

***— Дилноза, сизни жуда юксак — Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатишибди...***

— Бундан жуда қувондим ва яна, яна яхши рақслар ижро этгим келди. Менимча, бу мукофотга сазовор бўлганлар нафақат ҳозир, келажакда ҳам уни оқлашлари керак.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

**СУРАТДА: Дилноза «Муножот» рақсини ижро этмокда.**

ТАДБИРЛАР

# «Келин салом»

**Яқинда «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» Республика жамоат ташкилоти Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган чет эл элчихона ва ваколатхона вакилларини ўзбек миллий анъаналари билан таништириш мақсадида «Келин салом» тадбирини ўтказди.**

Келинлик остонасига эндигина қадам қўйган, ўзининг ибо ва ҳаёси, озодалиги, пазандалиги билан тушган хонадонини нурга тўлғазган келинчак уйида меҳмонларни очиқ чеҳра, ширин жилмайиб кутиб олди. Меҳмонлар, аввало файзли ва шинам, ўзбек миллий пишириқлари билан безалган дастурхон, каттани ҳам, кичикни ҳам табассум ва тавозе билан кутиб олаётган, оқ ҳарир рўмол остида саломга эгилаётган иболи келинчакни кўриб ҳайратларини, қувончларини яшира олмадилар. Шу хонадон соҳибларига чуқур ҳурматларини ифода этиб, ўзлари олиб келган эсдалик совғаларини топширдилар.

**Барбара КАЧИНЬКИ, Польша:**

– Ўзбекистонга келганимга 5 йил бўлди. Шу йиллар давомида ўзбекларнинг миллий урф-одатлари, ажабтовур мазали таомлари, меҳмондўстликлари мени жуда ҳайратга солиб келмоқда. Яқинда ўз юртимга жўнаб кетаман, лекин бу юртга бўлган меҳр, соғинч мени яна бир бор Ўзбекистонга келишга ундаб турса керак, деб ўйлайман.

**Злата ЙОВИЧ, Югославия:**

– Ҳаяжондан сўз топа олмаяпман. Бундай тадбирда биринчи бор иштирок этишим. Келинчакнинг меҳмонларни ҳурмат-иззат билан кутиб олиши, миллий кийимлари, очиқ чеҳраси, хонадон бекаси, стол устидаги турли-туман миллий пишириқларнинг барчаси мени ҳайратга солди.

Бизда ҳам мана шундай байрамимиз бор, фақат бир кун нишонланади. Куёв-келин бирга меҳмонларни кутиб олишади. Очиғи, Ўзбекистон ҳақида, унинг меҳнаткаш одамлари ҳақида, турмуш тарзи ҳақида кўпроқ билганимиз сари ҳурматимиз кўпроқ ошмоқда.

Биз албатта ўз юртимизга қайтганимизда ёш, мустақил Ўзбекистон ҳақида, унинг меҳмондўст одамлари ҳақида халқимизга сўзлаб берамиз...

Тадбирда қатнашган барча меҳмонлар ўз юртларига Ўзбекистон ҳақида яхши таассуротлар билан қайтишларини, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар тинчлик-тотувликка хизмат қилишини изҳор этдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА.**

ХАНДАЛАР

## ҚАНЧАЛАР ИЧИШ КЕРАК?

Маърузачи таъкидлади:

— Ичкилик оилавий можароларнинг манбаидир. Масалан, ичкилик туфайли хотин эрини ташлаб кетади...

Залда ўтирган бир киши савол берди:

— Бунинг учун тахминан қанчалар ичиш керак?

## ҲАМКАСБЛАР

Судья гувоҳдан сўради:

— Сиз судланувчини яхши танийсизми?

— Бўлмасам-чи, биз у билан узоқ вақт бирга банкда ишлаганмиз.

— Бу қачонги гап?

— Тўғриси, куни аниқ эсимда йўқ, кечаси соат учлар чамаси эди.

## ҚОРОНҒИДАН ҚЎРҚАМАН

Судья судланувчидан сўради:

— Сиз куппа-кундузи ўғирлик қилдингизми?

— Ҳа, жаноб судья, мен кечқурун кўчага чиқишдан қўрқаман.

**Шоҳида МАҲМУДОВА тўплади.**




**— Сомсангиз кечагими дейман.**
**— Бештасини паққос тушириб энди сўрайсизми?**



**— Арзон деб олаверибман, энди кимга сотаман бу дардисарларни.**

Шухрат Субхонов расмлари.

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

# Иккинчи дарвеш қиссаси

*(Давоми).*

Ул кеча маликанинг мулозимлари хабар топадиларки малика ғойиб бўлибдур. Улар ўз жонларидан қўрқиб, подшоҳга бориб арз қиладиларки, малика бу кеча йўқ бўлди деб. Подшоҳ филҳол лашкарга, вазирларга ҳамда умароларига амр қиладики, йўлларга лашкар юборадилар. Маликани қидириб топмоқ учун подшоҳнинг амри билан қирқта маккора кампирларни шаҳар маҳалла ва кўчаларига юборади.

Ровийлар айтурларки, қазодин ногоҳ бир маккора кампир қадди букилган ҳолда ҳассага таяниб гузари ўшал малика яшаётган кўчага тушади. Кўрадирки бир ҳовли эшиги очиқ, ичкарига қадам қўйиб кириб келди. Вақтики эй дарвешлар, хабардор бўлдик, маккора кампир бизларга қараб келадур ва айтадурки илоҳи бу нозанинларнинг ёш боши ҳеч қачон эгилмасин ва душманлар, бадхоҳлар юз балога гирифтор бўлсунлар деб дуо қилди. Бизларнинг дилимиз кампирнинг аҳволига ачинди. Ул нозанин санам айдики, эй момо қайдин бўлурсиз ва қайдин келурсиз ва нимага бунчалик гирён ва паришонсиз? Кампир айди балогардонинг бўлай, сизларга ҳамсояман, кулбайи вайронам бор. Биргина қизим бор эрди, ани ҳамали бор эрди, икки кундурки дард тортадур аммо ҳануз ҳамалдан бўшанмайдур. Ҳозиқ табиб аёллар айтадурларки, агар бир-икки луқма қовурма кабоб тановул қилса тезда кўзи ёрийдур дейдилар. Аммо, қўлимда ҳеч вақо йўқ, муҳтож ва нотавондурман. Сизларни эшикларингга келдимки, шояд бир мунча садақа бирлан тараҳум қилсалар деб, токи мушкулим осон бўлгай эрди. Биз бу қари иблиснинг макридин бехабар эканмиз, бунчалик макр ва ҳийласиға фирифта бўлибмиз. Ул нозанин санам анинг олдиға чақириб бир-икки қовурилган товуқ ва нон берди ҳамда ўз либосини эгнидан ечиб кампирга бераркан, эй момо гоҳ-гоҳ келиб тургил, мен сенга бирор нимарса бериб турарман, алҳол тезроқ боргилки қизинг озурдадур. Ул кампир дуо қилиб кетди. Шул соат эрдики, эшикни очилган овози эшитилди, қулоқ солдим ва эшик томонга қарадим. Эй дарвешлар, ўзимга ўлимни раво кўрдим ва ўзимга-ўзим айдимки энди сенга маргинав муборак бўлсин дедим. Бир лаҳзадан сўнг боғчанинг четидан қулоғимизга овоз эшитилди. Ман ўрнимдин туриб боғчани орқасиға бордим ва бир дарахтни орқасида турдим. Кўрдимки бир йигит паҳлавон шери ғаррондек, қадди худди сарвдек озод, бозуси худди шамшод ва орази монанди қамар, қора бахмалдин нимча қилиб кийган, шамшери мурассъе камарида ва камони камарига боғланган ҳамда олтин қалқонини орқасига илган ва ўн саккиз қиррали найзани қўлига ушлаган эрди. Унинг бир қўлида ҳалиги кампирни ушлаган эрди. Ул йигит ул кампирни ерга бир уриб ўлдирди. Ўшал дамда саждам шукрона бажо келтирди. Ман чун бу ҳолатни кўрдим, ўз жонимдин қўл ювдим. Билдимки, бу Миррих салобат қўлида албатта ўлгайман деб, қўлоёғимга титроқ тушди. Ул йигит ногоҳ мани кўриб овоз қилди эй жавон буёққа кел, эй бедавлат, беандиша олдимға кел– деди. Бордим, хоҳладимки оёғига йиқилсам, қучоқлаб олди ва кўзларимдан ўпди ва кулди ва айди эй жоҳил киши, шунча улуғ ишлар олдингда турган бўлса, нечук уйда бепарво ўлтурғайсан, ақалли эшикни ҳам маҳкам қилмабсан. Мен айдимки рост айтурсиз деб қўлини ўпмоқчи бўлдим. Аммо ул даловур йигит юзимдан ўпиб дедики бу ўликни танурмусан? Ман айдимки ори-танийдурман. У сўрадики муни нимага ўлдирдим, худойи таолло сенга раҳм қилдики шул аснода мен етиб келдим. Вагарна алҳол сан мақтул бўлур эрдинг. Билгил ва огоҳ бўлғилки бу кампир подшоҳнинг жосусларидин эрди, билсанг шулки шаҳарга бир ўт тушган ҳўл ва қуруқ фарқ қилмай ҳаммани куйдурур. Эй жавон чун мен бу кўчага кирдим ва бу кампир мани кўрди товуқ кабобларни бир чуқурга ташлаб, айтур эрдики мен подшоҳнинг қизини топдим, бу либосни подшоҳга нишона сифатида олиб борурман дейдур. Эй жавон. Мен ўйладимки бу кўчада менинг уйимдан бўлак уй йўқ эди. Мабодоки подшоҳнинг қизи менинг ҳавлимда бўлса, бул кампир хабардор бўлган бўлса деб, ул кампирни тутиб аҳвол сўрадим, айдики бир қизим бор эрди ҳомиласи яқин эрди бу уйга келдим, бир қиз бор экан манга бу икки қовурилган товуқни берди – деди. Ман айдимки мунда кел, сенга кийик гўштини берурман дедим. Ул кампир санга хайрингни берсун, вақт ўтаябди, ман эртароқ борайин – деб, кетабошлади. Ман уни ушлаб мунда келтирдим ва мунда ўлдирдим. Энди эй жавон кўнглингни хуш тутиб, хотирингни жам тутғил, юз йилгача мени уйимда бўлсанг ҳам ҳеч кимнинг дасти сенга етмас. Билгил ва огоҳ бўлғилки мани паҳлавон Беҳзодхон Ҳиромий дерлар. Подшоҳ манинг тиғимнинг ваҳмидан ухлай олмайди. Ман илгари қафасдаги шаҳзоданинг отасига, яъни собиқ подшоҳнинг амири лашкари эрдим. Вақтики подшоҳга ажал етди чун ани ўрнига биродари, яъни ҳозирги подшоҳ тахтга ўтирди. Бу подшоҳга ҳам амири лашкар эдим. То вақтики шаҳзодани шаҳид қилдилар, ман бул подшоҳ хизматидан кетдим ва унга қарши курашдим. Йўлларда ёлғиз ўзим карвонларни талон-торож қилиб, шоҳ аскарларини қийратар эрдим. Қачонки бу хабар шоҳга етди менга қарши бир неча марта қўшин юборди, барчасин тиғ дамидан ўтказдим. Яна амири лашкар бошлиқ аскар юборди, буларни ҳам қочирдим. Подшоҳнинг ўзи ҳам мен билан жанг қилди, аммо тенг келолмади. Охири подшоҳ ман билан сулҳ тузди. Ман бир кечаси тушимда жамоли бокамоли ҳазрат амир ал-мўминин Алининг ҳузурларида бутни синдириб мусулмон бўлдим ва мани ҳаром емоқдан тавба қилдирдилар. Ул вақтдан бери бул шаҳарда турурман. Уйда танҳо ибодати ҳақ таоллоға машғулдурман. Ҳеч киши билан улфат бўлмайман, ҳар вақт дилгир бўлсам шикорга (ов) борурман.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**

*(Давоми бор).*

# ИНСОН ҚАЛБИ

## Тиб илмининг султони Абу Бакр Розий ҳикоятлари

**Шарқнинг буюк фарзанди Абу Бакр Розий 1865 йили туғилган. Ёшлик чоғларида мутолаага қизиқиб, толибу фозилларнинг асарларини ўқиди, сўз сеҳрига, адабиётнинг қудратига мафтун бўлди. Ёшлари анчага борганда у киши тиббиётни эгаллаб, шу илмнинг султони бўлдилар. Ўша даврнинг донишмандлари Абу Бакр ҳузурларида тез-тез бўлиб туришар, ул муҳтарам зотнинг пурмаъно фикрларидан баҳраманд бўлар эдилар.**

– Осмонга ихлос қўйдим, –дедилар Абу Бакр Розий бир куни донишмандлардан бирига суҳбат жараёнида. – Яшаб турган она ерга ихлос қўйдим.

– Хўш, нима наф топдингиз?

Абу Бакр айтдилар:

– Осмонга ихлос қўйиб, етти фалакка нигоҳ ташладим. Куч-қувватим, ақл-заковатим билан ўша фалакка қўл чўздим.

Лекин ҳеч бир наф кўрмаслигимга имоним комил бўлди. Она еримнинг энг чуқур қаърига етмоқчи бўлдим, унга ҳам етолмаслигимга имоним комил бўлди. Ниҳоят, қодир табиатга тан бердим. У инъом этган ноз-неъматлардан кучим етганича баҳраманд бўлиб, фаровон яшашга аҳд қилдим. Менга на жуғрофия, на мунажжимлик ёқмай қолди. Кимёгарлик энг олижаноблик, одамларга саховатлилик, деб билдим;

Кекса донишманддан сўрабди:

– Кимёгарлик сизга нима наф келтирди?

Абу Бакр Розий дебди:

– Кимёгарликнинг кўп хислати бор. Кимёгар одам мўъжиза яратувчи. У тупроқни зарга, зарни тупроққа айлантиради. Бир куни бир кимёгар билан учрашиб қолдим. У деди: «Қўлингизда мис чақа борми?»

– Бор.

– Менга беринг, уни олтинга айлантириб бераман.

Кимёгар мис чақани олиб, бир суюқликка botирдида сап-сариқ олтинга айлантириб қўлимга тутқазди.

– Кўр, мис чақа олтинга айланди. Энди ҳақини беринг.

Ҳақини бериб, уни сотмоқ учун заргарга олиб бордим. Заргар «олтин танга»ни синаб билмоқ учун бир суюқликка ботирди ва деди:

– Бу олтин эмас, мис чақа экан, тилингни остига солиб сўриб юр!

Ё, алҳазар, энди тушундим. Кимёгар: «Кўр, мис чақанг олтинга айланди» деганда, мени « кўзинг кўр» деганини тушунмаган эканман. Шундан кейин кўзим очилди.

Кекса донишманддан яна сўради:

– Кўзингиз очилгандан сўнг нима қилдингиз?

– Оламнинг гултожи инсонга хизматга отландим. Шифокорликни ихтиёр этиб, одамларни даволашни ўйладим. Билдимки, инсон қалбидан азиз нарса дунёда йўқ экан.

**Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.**



***Турли-туман ўйинчоқлар билан безанган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз билан биргаликда қўшиқлар куйлаш болажонлар учун нақадар катта шодиёна байрам.***

***СУРАТЛАРДА: шаҳримизнинг Юнусобод тумаңидаги 206-мактаб-боғчада ҳам болалар севимли Янги йил арчаси атрофида дилдан куйлаб, қувнашмоқда, топишмоқлар айтиб, рақсга тушишмоқда.***

***Равиль Альбеков олган суратлар.***



# ҲИКМАТЛАР

ОДОБНОМА

● Қаноат — иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий хазина, қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк.

● Юракка ўрнашиб олган манманликни йўқотишдан кўра, тоғни игна билан йиқитиш осонроқ.

● Кимки кичик душманни ожиз ҳисобласа худди кичик чўғни менсимаганга ўхшашдир.

● Нодон одамнинг юраги тилининг устида бўлади. Шунинг учун тилига нима келса қайтармайди.

● Ўйлаб иш тутиш инсон устидан ҳоким бўлганда эди, ҳеч ким хатар домига тушмаган бўларди.

● Ҳар кимки ўз оғзининг қоровули бўлса, нафас бўғилмайди.

● Оқил кишининг қалбини сирлар сандиғи деб билгин.

● Оз нарса билан иззатда бўлмоқ — кўп нарса билан беқадр бўлгандан афзал.

**Шаҳло МУСАЕВА.**

ТУРФА ОЛАМ

# Нур таратувчи одам

**Мисрлик йигит Кабир 32 ёшга етганда ўзини одамлардан четга торта бошлайди. Бу ҳолатдан ўзи ҳам ҳайрон бўлади. Аста-секин кўнгли қоронғуликни тусай бошлайди. Қуёшли кунларда ташқарига чиқа олмай қолади. Уни қандайдир куч қоронғуликка итаради. У диндор эмасди. Аммо Мисрнинг машҳур эҳромларини зиёрат қилишни хуш кўради.**

Ота-онаси, яқин дўстлари ундаги ўзгаришдан ҳайрон эдилар. У эса барчани лол қолдириб қадимги мисрликлар тилида алжирарди.

Ана шундай кунларнинг бирида у вужудидан нур таралаётганини сезиб қолди. Нур теккан жойлар ҳар хил ғуборлардан тозаланиб, жилоланарди. Кунлардан бирида ўша нур отасига, сўнг онасига сингиди. Улар шу ондаёқ ёшларига ярашмаган тарзда имо-ишоралар қилиб, ётоқхонага етаклашиб кириб кетдилар. Шу кундан бошлаб 60 ёшни қоралаб қолган чол-кампирда қандайдир 18 ёшлиларнинг ғайрати пайдо бўлди. Сени уйлаб қўямиз, деб йигитнинг жонига тегадиган қариялар энди ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолдилар.

Йигит фақат тунда кўчаларни айланиб юрар, кундузи тил ўрганиш, қадимги ёзувларни тадқиқ қилиш билан машғул эди.

Унинг ҳузурига турли тоифадаги одамлар кела бошлади. Уларнинг орасида олимлар ҳам бўлиб, Кабирнинг ноёб қобилиятини ўрганмоқчи эдилар. Аммо айни ана шу олимлар нурланиш касалидан вафот этдилар. Сеҳрли кучга эга бўлган болани кўргани келганларнинг баъзилари ёшарар, баъзиларининг эса баданларида куйиш аломатлари пайдо бўлиб, тез орада оламдан ўтардилар. Шундан кейин унинг олдига ҳеч ким келмай қўйди.

Кабир орада бир йил эҳромларни зиёрат қилмай қўйди. Ота-онаси уни зўрлаб уйладилар. Бир йилдан кейин фарзандли бўлди. Аммо шу бир йил ич[...] унинг тушига фиръавн тез-[...] кирадиган бўлди. У Кабирни эҳромга чорларди. Охири ўн мартадан ортиқ тушига киргандан сўнг фарзанди касалга чалинди. Касалга врачлар ҳам даво топа олмадилар. Тушида эса боласини эҳромга олиб бориш ҳақида фармон келди. Эҳромга борган кун ўзи касал бўлиб қолди. Уни эҳром ўзига тортар эди. Боласи ўша кундан бошлаб тузалиб кетди. Кабир эса эҳромга учинчи боришида уйига қайтмади. Унинг на ўлигини, на тиригини топдилар.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тўплади.**

НАЗМ

# МАРҲАБО, ДЎСТЛИК ЙИЛИ

Ўлкамизга хуш келибдир, марҳабо, дўстлик йили,
Бахш этибдир бизга шодлик, бебаҳо дўстлик йили.

Эл кутиб олди севиб, эзгу ниятлар айлабон,
Барча ўтган йилларидан дилрабо дўстлик йили.

Беқиёс тинчлик ато этгай диёримга менинг,
Жанг-жадал кўрмайди ҳаргиз, мутлақо дўстлик йили.

Ҳар ойи минг хосият, ҳар бир куни хуш кайфият,
Тортадир дилни, қаранг, оҳанграбо дўстлик йили.

Бир-бирингизга мурувват кўрсатинг, эй жўралар,
Оқибат, меҳру вафоларга жило дўстлик йили.

Одамийлик бобида юксак камолот келтириб,
Норасоларни этур ақли расо дўстлик йили.

Ўзга йилларга яширманг дилдаги асрорни,
Не юракда бўлса, айтинг, муддао дўстлик йили.

Бор муродлар ҳосил ўлгай, режалар рўёбдадир,
Ишларингиз айлагайдир жо-бажо дўстлик йили.

Баркамоллик чўққисин қоплар тараққиёт ҳам,
Фан ривож топгай, ўсар хўб кимиё дўстлик йили.

Тез қадам босмоқ керак эзгу юмушларга томон,
Ҳеч адаштирмай етаклар раҳнамо дўстлик йили.

Хотирингиз жам қилингким, элу юртга етказар,
Тоза сув, покиза еру хуш ҳаво дўстлик йили.

Эй, Калоний, ҳурриятни сақла иймонинг билан,
Минг асрларга татийди мутлақо дўстлик йили.

**Мурод КАЛОНХОН.**

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

# БОШҚОТИРМА



**Энига:** 5. Ер куррасининг нусхаси-биринчи глобусни ихтиро қилган ўрта аср қомусий алломаси, ватандошимиз. 6. Баҳорда, ёзда кечаси ҳароратнинг пасайиши туфайли ер сиртида юзага келадиган мусаффо томчи. 7. Ватанимизнинг Бухоро вилояти ҳудудида тарқалган камёб, чопқир жонивор. 10. Ўрта Осиё тоғларида яшовчи қўйлар уруғига мансуб ҳайвон. 11. Африка саванналарига мансуб от зоти. 14. Кун чиқиш ёки ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик. 15. Гулламасдан мева тугадиган серуруғ ҳосилли, шапалоқ баргли дарахт. 18. Қуритилган жигар ранг пўстлоғи зиравор сифатида ишлатиладиган жануб ўсимлиги. 19. Зотли чопқир от. 20. Бўйни, тумшуғи ва оёқлари узун, ботқоқлик паррандаси.

**Бўйига:** 1. Австралия ва унга яқин оролларда тарқалган боласи ангишвонадек дунёга келадиган қопчиқлилар оиласига мансуб ҳайвон. 2. Мамлакатимиз жанубидаги Мирзо Улуғбек номидаги халқаро кенглик муассасаси жойлашган шаҳар. 3. Мўйнаси, мойи ва гўшти учун овланадиган камёб жонивор. 4. Ватани Шимолий Америка бўлган мўйнали, қисман сувда яшовчи ҳайвон. 8. Африка саванналарига хос, меваси истеъмол қилинадиган, пўстлоғидан тола олинадиган 5 йилгача яшовчи улкан дарахт. 9. Хонадонда боқиладиган сайроқи парранда. 12. Баланд, тик тепаликдан пастга оқадиган сув оқими. 13. Итсимонлар оиласига мансуб йиртқич. 16. Тоғнинг ошиб ўтиш мумкин бўлган қулай жойи. 17. Пиёзгуллиларга мансуб, адир ва тоғларда ўсувчи кўп йиллик гиёҳ.

**Муаммонома**

Очқич сўзлар: 1. Ўсимлик мевасининг мағизли уруғи – 3, 2, 9, 2, 4.

2. Ёқилғи сифатида ишлатиладиган газ модда – 7, 8, 11, 2, 9.

3. Эртапишар ҳўл мева – 14, 10, 1, 5, 13.

4. Манзарали ўсимлик мажмуи – 14, 15, 1.

5. Дарахтзор маскан – 12, 6, 7, 5, 9.

Жавоблардан фойдаланиб шакл атрофидаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Бунда қаторлар бўйича ўқиш билан ҳикматли сўзларни билиб олишга эришасиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта булимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6